O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 9- fevral • № 6 (3886)


**9 феврал — Алишер Навоий туғилган кун**

Абдулла ОРИПОВ

## НАВОИЙНИ АНГЛАШ

Буюк бобомиз ижоди, дарҳақиқат, улкан бир уммондир ёхуд дунёнинг энг ранг-баранг ва беназир хазинасидир. Кимки ниманики ахтарса, ушбу хазинадан албатта топғусидир.

Жумладан, барча навоийшунослар неча замонлардан буён бу улуғ меросни ўрганиб, тадқиқ этиб, ундан шоён баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Айтиш керакки, ҳаётнинг исталган жабҳасига тегишли чақмоқ фикрлар, гўзал ташбеҳлар бу хазинада ҳайратомуз даражада серобдир. Айрим мисоллар келтирайлик. Мана шоир беҳини (мева) таърифлаётир:

**Оқартиб ишқ бошимни,**
**ниҳон бўлди сариғ чеҳрам,**
**Момуғ ичра беҳини**
**чирмоғон янглиғ киши андо.**

Яъниким, пахта — момиққа сариқ беҳи ўраб қўйилгани каби оппоқ сочим оғушида сариқ чеҳрамдир.

Ёхуд шоир фалакиёт — астрономиядан иқтибос келтиради:

**Маҳжабинлардин сияҳдиллик,**
**не тонгким, ойнинг**
**Ботинин кўрсанг қародур,**
**гар кўринур зоҳир оқ.**

Шоир бундан беш юз йиллар муқаддам ой тупроғининг аслини аниқ тасвирлаган.

Энди бир мисол тиббиётга доир. Қарангки, шоир бир ғазалида сариқ касалининг барча белгиларини бошданоёқ санаб ўтади ва охирида дейди:

**Дард туфроққа ниҳон қилди**
**Навоий жисмини,**
**Топибон бир шуша олтин,**
**дафн қилгандек гадо.**

Шоир ўз жисмини бир шиша сариқ олтинга менгзамоқда.

Навоийнинг яна бир байтига эътибор қилайлик. Бу ерда гап ваҳдат майи устида эмас, балки мавжуд турмушнинг аниқ ҳолатлари ҳақида бораётир:

**Эй муғаннийлар, Навоий маст эди —**
**кеч уйғонур,**
**Они уйғотмоққа бир дилкаш**
**таранннум айлангиз.**

Қуйидаги мисолда ҳам ҳаёт детали шашлик — шишлик тарзида ифода этилмоқда:

**Гарчи ишқ ўтида**
**кўнглумни ўқунгға шишладинг,**
**Гарм бўлмаким,**
**ҳануз не сих куймиш, не кабоб.**

Мана бу ўринда эса Навоий ўзининг қайси қавмга мансублигини таъкидламоқда. Бу ҳам қизиққан ҳар бир одам учун ахборот манбаи бўла олади:

**Шоҳу тожу хилъатиким,**
**мен томоша қилғали**
**Ўзбаким бошида қалпоқ,**
**эгнида ширдоғи бас.**

Кўриниб турибдики, устознинг муборак назари тушмаган бирор соҳа йўқ. Хўш, унинг қалби-чи? Шоирнинг қалбида қандай ғалаёнлар юз бермоқда эди? Унинг юраги нималардан изтироб чекмоқда эди? Ҳасрати ва армонлари нималардан иборат эди?

Биз юқорида келтирган шеърий мисраларни балким ҳар қандай мутахассис илмий-бадиий жиҳатдан тўғри шарҳлаб бера олар. Лекин Навоий ҳасратию армонини ким шарҳлай олади?

Аввало, Навоий ижодининг асл манбаида инсон турадики, у гоҳ шоҳ, гоҳ гадо, гоҳ ошиқ, гоҳ ринд. Лекин Навоий инсонни қанчалик улуғламасин, унинг норасолигидан ҳам шу қадар шикоят қилади, ҳатто фарёд чекади:

**Чу билмай элга вафо айладим —**
**жафо кўрдим,**
**Не суд энди агарчи**
**нечаким пушаймонмен.**

Ёки:

**Дўстлар, басдур мазорумға**
**маломат тошлари,**
**Чекмангиз меҳнат қўярға**
**қабри вайронимға тош.**

Хўш, буюк шоирнинг кўнглини бу қадар ўкситган сабаб недур? Навоий буни ҳам очиқ-ойдин айтади:

**Турфа, кўрким, халқ коми бирла**
**умрум бўлди сарф,**
**Турфароқ буким, биравга ёқмади**
**бир хизматим.**

Яъни, жайдари тилда айтсак, шоир гўё, қўчқорни бердинг-у, бироқ арқонини бермадинг деб маломат қиладиганларни назарда тутгандек.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам инсон боласи яхшиликдан фойдаланишга ғоят уста, лекин уни қадрлашга ҳар доим ҳам қодир бўлавермайди. Афсуски, инсон болаларини олий туйғулар эмас, кўпинча нафс бошқариб келган. Ёвузлик унга доимий ҳамроҳ бўлган. Навоийнинг ҳасратлари айнан мана шулар эмасми?! У муттасил равишда инсон комиллигини орзу қилаётир-ку. Наинки орзу қилаётир, балки унинг ижобати учун курашмоқда-ку!

Бироқ шоир армонлари ушалмаса ҳам инсон қавмига ҳаргиз этак силкимади. Аксинча, уни тўғри йўлга даъват қилди.

**Бўлма дўнё дўст,**
**гар истар эсанг осудалиқ,**
**Лек ҳар не қилсалар,**
**бўл аҳли дунё бирла дўст.**

Ҳазратнинг теран фалсафаси ҳам шу эди. Биз авваламбор шоирнинг қалбига, чексиз ҳасратларига қулоқ тутишимиз, уни англашимиз зарур.

Бобомизнинг таваллуд куни — наинки тенгсиз ифтихор куни, балки биз учун улуғ уммондан яна бир карра баҳра олмоқ имкони ҳамдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **“Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир”.**



Алишер НАВОИЙ

## ҒАЗАЛ

**Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим,**
**Ким ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.**

**Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,**
**Муҳиш аҳволи мангаким бор ўзумдин ваҳшатим.**

**Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали**
**Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас ғулудур хилватим.**

**Тўлғанурмен ўзлугумдин чиққали, буким эрур**
**Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайъатим.**

**Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас оғир**
**Бу маломат ўқлари бирла тикилган кисватим.**

**Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошинға ур,**
**Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.**

**Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,**
**Тоқи минойи аро чирмашса оҳи ҳасратим.**

**Қўй дуру феруза баҳсинким, нужуму чархни**
**Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.**

**Лаълдек бошим осилсун ғарқайи хуноб ўлуб,**
**Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.**

**Турфа, кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,**
**Турфароқ буким, биравга ёқмади бир хизматим.**

**Эй Навоий, икки оламдин кечиб топтим висол,**
**Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.**

Омон МУХТОР

## ТО ТУҒДИ НАВОИЙ ОЯТИ ИШҚ...

***Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий шахси ва ижодиёти барча замонларда илм ва ижод аҳлини ҳайратга солиб, илҳомлантириб келган. Илмда навоийшунослик энг етакчи соҳа саналади. Ўзбек адабиёти ва санъатида эса буюк алломанинг сиймосини яратишга бўлган ҳаракатларнинг ўзи бир тарих.***

***Таниқли адибимиз Омон Мухторнинг ўтган йили чоп этилган “Навоий ва рассом Абулхайр” номли китобидан жой олган “Ишқ аҳли” ва “Буюк фаррош” романлари улуғ бобокалонимизга бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир тасдиғидир. Романлар қизиқарли услубда, ранг-баранг оҳангларда битилган.***

***Алишер Навоий таваллудига 566 йил тўлган айни кунларда мухбиримиз шу янги романлар муаллифи билан учрашиб суҳбатлашди, адибнинг Навоий ҳақидаги дил сўзларини, шоир шахси, тенгсиз ижодий меросига тегишли фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди. Қуйида суҳбат баёнини ўқийсиз.***

Мамлакатимизда ҳар йили Алишер Навоий таваллуд топган кун кенг нишонланади. Улуғ шоиримиз шахсига бўлган қизиқиш, унга бўлган эҳтиром йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Навоийга ўз замонида ҳам бутун Шарқда жуда катта қизиқиш билан қаралган ва Ғарбда ҳам бунинг акс-садолари кўринган. Улуғ шоирга эҳтиром у таваллуд топгандан кейин ўтган асрларда ҳеч сусайган эмас, аксинча кўтарилиб борган. Айниқса, мустақиллик йилларида Навоийга кўрсатилаётган эъзозу эҳтиромни соҳибқирон Амир Темурга кўрсатилаётган ҳурмат-иззатдан кейинги иккинчи ўринда, деб айтиш мумкин.

Маълумки, Амир Темур ҳар қандай салтанатда бўлганидек, атрофига ўз диёри, ўз юртидаги ишончли одамларни кўпроқ йиғади. Лутфийнинг ота-боболари, Навоийнинг ота-боболари бир пайтлар Самарқанд атрофида жамланишган. Булар Шаҳрисабздан келганми, Китобдан ёки Бухородан келишганми, балки Самарқанднинг ўзиданми — биз буни фақат тахмин қиламиз. Ва биз биламизки, Амир Темур вафот этганидан кейин, унинг ўғли Шоҳрух Мирзо пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга кўчиради. Табиийки, пойтахт кўчганда сарой аҳли: олимлар, аъёнлар, шоирлар, санъаткорлар — катта бир жамоа Самарқанддан Ҳиротга кўчади. Мен ишонч билан айтаман, романда ҳам шундай ёзганман, Навоийнинг ота-боболари вақтида шу ердан ўша томонга бориб қолган. Бу ҳам бизга Навоийнинг бевосита дахли борлигини кўрсатади. Иккинчидан, Навоийнинг тили бошқа қардош туркий халқлар тилларидан ажралиб туради, бизнинг тилимиз кўрки акс этган. Асарларининг бутун руҳи бизнинг Зарафшон воҳамиз, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд — шу атрофдаги лаҳжага яқин. Бир пайтлар Навоий тилини турк тилига, озар ёки уйғур тилига яқин, деган биродарларимиз ҳам бўлди. Бу гаплар нотўғрилигини улуғ шоиримиз асарларини қайта-қайта ўқиганда чуқур ҳис этасиз. Учинчидан, Навоий ғазалларига Шарқда жуда кўп шоирлар, айниқса, туркий халқларнинг шоирлари мухаммаслар боғлашган. Лекин энг кўп мухаммасни бизнинг шоирлар ёзган. Ана шу мухаммасларнинг ўзи Навоий ижодининг шоирларимиз фаолиятида давомдорлигини кўрсатади.

Бизнинг замонамизда ҳам машҳур шоирларимиз мухаммаслар боғлашган. Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, кейинчалик Эркин Воҳидов, Жамол Камол, бошқалар. “Тепаликдаги хароба” романимда шундай мухаммаслардан бир банд, бир банддан келтирганман. Булар Навоий ҳақида романлар ёзишга киришаётганда шоир руҳини ҳис этиш йўлидаги ҳаракат бўлган. Бошқа бир қатор шоирларимиз сафида Навоий ғазалларига бир-икки мухаммас ҳам боғладим. Шулардан бирида Навоийнинг машҳур ғазалидаги “Ишқ аҳли аро наво бўлибдур”, деган сатр келадики, “Ишқ аҳли” деган романимнинг номи шу мухаммасни ёзганимда хаёлимга келган. Мана, ўша мухаммас:

**Давоми тўртинчи бетда.**

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Кеча Миллий матбуот марказида таниқли адиб, олим ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида чоп этилган “Ҳаё – халоскор” китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов маросимни очар экан, бугунги адабий жараён, унинг фаол иштирокчилари, яратилаётган ранг-баранг асарлар тўғрисида, хусусан адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг ижод йўли, буюк аждодларимиз маънавий меросини англаш борасидаги машаққатли меҳнати самаралари, бадиий таржима борасидаги муваффақиятлари тўғрисида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди.

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, адабиётшунос олимлар Азиз Қаюмов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев, Муҳаббат Шарафиддинова, олимлар Шобот Хўжаев, Акмал Саидов, рассом Ортиқали Қозоқов, газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, “Миллий тикланиш” партияси фаоли Жаннатой Тошматова, “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов ва бошқалар ўз сўзларида Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб китобларнинг маънавий-маърифий аҳамияти тўғрисида фикр юритдилар. Мансуралар, бадиалар, адабий-танқидий эсселар ҳамда публицистик асарлардан иборат “Ҳаё — халоскор” тўплами дунёни, ҳаёт ва инсон муносабатларини англаш йўлида муаллиф англаган ва бизни ҳам англашга даъват этаётган ҳақиқатларнинг мўъжаз ва нафис ифодаларидир. Муаллиф ўқувчини бу ҳақиқатлар оламига — гўзал туйғулар базмига чорлаётгандек бўлади.

Маросим якунида Иброҳим Ғафуров сўз олиб, бугун янги бир замонда, янги шароитда Алишер Навоий, Абдулла Қодирий каби сўз сеҳргарларининг узоқ йиллар давомида ўқиладиган, қўлдан тушмайдиган, мағзи тўқ асарлари каби китобларга катта эҳтиёж мавжудлигини, бадиий адабиётнинг умуминсоний муаммолар ечимини топишдаги аҳамияти бениҳоя ошиб бораётганлигини таъкидлади.

## МЎЙҚАЛАМДА ЮРТ ЖАМОЛИ

*Кўргазма залларида*



Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда барпо этилган Маданият ва санъат кўргазмаси биносида рассом Ботир Зокиржоновнинг “Мўйқаламда юрт жамоли” номли туркум асарлари намойиш этилмоқда.

Рассом табиати сўлим Жиззах вилоятида ўсиб-улғайган. Катта рассом бўлишни орзу қилган Ботир болалигидан турли расмлар чизиб, санъат билим юртида таҳсил олган. Профессионал рассомлик маҳоратини эгаллаш мақсадида Санкт Петербургда, Россия рассомлар уюшмаси аъзоси Демон Григорьевич Пак устахонасида малака оширди. Она юртига бир олам орзулар билан қайтган рассом ўз асарлари билан республика ва халқаро кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ботир Зокиржонов бетакрор манзаралар, сержило рангларни табиатнинг ўзидан олади. “Куз”, “Зомин манзаралари”, “Зомин қўриқхонаси”, “Она қишлоқ” каби асарларида юртимиз табиати катта муҳаббат билан тасвирланса, “Халқ лашкарлари”, “Жиззах қўзғолони” асарларида халқимизнинг фидойи инсонлари, тарихий воқеалар бетакрор чизгиларда акс этган.

Наргиза АЗИМОВА


Самарқанд вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси
Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган миллий эстрада йўналишидаги

“САМАРҚАНДНИ КУЙЛАЙМАН”

қўшиқлар танловини эълон қилади

**ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги “Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”-ги қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, “Ер юзининг сайқали” деб ном олган, мустақиллик йилларида янада чирой очган, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрини тараннум этувчи янги қўшиқ ва мусиқа асарларини яратишдан иборат.

Шунингдек, ватандошларимизни аждодларимиздан бизга ва келажак авлодларга бой мерос бўлиб қолган меъморий обидаларимизни, осори атиқаларимизни асраб-авайлашга даъват этиш, узоқ йиллар давомида қўлга киритилган маданий-маърифий ютуқларимизни мусиқа ва қўшиқ санъати орқали тарғиб этиш, маънавий-ахлоқий қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлаш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг камол топишида кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қалбларда Ватанга муҳаббат, фахр-ифтихор туйғуларини шакллантириш, шу билан бирга замонавий миллий эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш ушбу танловнинг мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

**ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

Танловда республикамизда ижод қилаётган барча профессионал ва ҳаваскор қўшиқчилар иштирок этишлари мумкин.

Танловга миллий эстрада йўналишидаги (якка, дуэт ва гуруҳ) ижрочилар Самарқанд шаҳри ҳақида илгари ижро этилмаган битта янги қўшиқ билан қатнашадилар.

Танлов қатнашчиларининг ижро маҳорати, қўшиқ сўзларининг тўғри талаффуз қилишлари, мусиқа ва матн уйғунлигига алоҳида эътибор берилади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча хонандалар 2007 йилнинг 5 апрелига қадар ўзлари тайёрлаган қўшиқларини аудио, видео ва мини, CD дискларга ёзиб, тавсиянома, сўровнома, 5х6 ҳажмдаги 2 дона сурат билан қўшиқ матнини қуйидаги манзилга юборишлари лозим:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, 9-қават. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Самарқандни куйлайман”, қўшиқлар танлови ташкилий қўмитасига.**

**Мурожаат учун телефонлар: 233-03-35, 231-15-18, 233-55-93.**

Танловга юборилган асарларни 7 кишидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати кўриб чиқади.

Ҳакамлар ҳайъати танлаб олган 10 та иштирокчи якуний танловда қатнашади. Якуний танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган иштирокчилар ўз асарларини саҳнада жонли ижро этадилар. Фонограммадан фақат мусиқада фойдаланиш мумкин.

Ғолиблар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

**ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ**

Танлов ғолиблари қуйидаги соврин ва мукофотлар билан тақдирланадилар:

*1-ўрин (битта) — 1-даражали диплом, 1,5 миллион сўм пул мукофоти;*
*2-ўрин (иккита) — 2-даражали диплом, 1 миллион сўм пул мукофоти;*
*3-ўрин (учта) — 3-даражали диплом, 500 минг сўмдан пул мукофоти.*

Ғолибларнинг вилоятда ўтказиладиган якунловчи концерти республика оммавий ахборот воситаларида, вилоят Телерадиокомпанияси ҳамда “СТВ-Самарқанд” телевизион ижодий уюшмаси томонидан ёзиб олиниб, кенг тарғиб қилинади.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарори қайта кўриб чиқилмайди. Танлов қатнашчиларининг Самарқанд шаҳрига келиб-кетиш харажатлари уларни тавсия этган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.


**БУГУНГИ СОНДА:**


ШОИРНИНГ ШИНЕЛЛИ ЙИЛЛАРИ 2
ХИЗМАТКОР ҚИЗ ҚИСМАТИ 3
МУҲРГА НАҚШЛАНГАН ҲАДИС 4

# ДАРДИ ДИЛИМНИ ЁР БИЛИБДУР...


Тошпўлат АҲМАД

### БИЛИРАМ

*Фузулий ғазалига мухаммас*

Биров мени шунқор билибдур, билирам,
Биров эса бемор билибдур, билирам,
Валлоҳки, биров хор билибдур, билирам,
Ёр ҳоли дилим зор билибдур, билирам,
Дили зоримда наким вор, билибдур, билирам.

Осғали дор қурибдурки, манга дор ўлмаз,
Дунёни тор қилибдурки, манга тор ўлмаз,
Йўлима нор* солибдурки, манга нор ўлмаз,
Ёри ағёр билибдурки, манга ёр ўлмаз,
Ман дахи оники, ағёр билибдур, билирам.

Ёр агар ичмоқ эса майина жом айлаяли —
Кўнглими пеш эдурам лабинан ком** айлаяли,
Ўлурам, деб айтурам ўзима ром айлаяли,
Зулфини аҳли вафо сайдина дом айлаяли,
Мани ул дома гирифтор билибдур, билирам.

Муғбача, қуй бодани, тарқатай гарди дилими,
Ўлтурай қошиғаким, англасун зарди дилими,
Ул очилмаз то магар гўрмаса зарби дилими,
Ман на ҳожатки, қилам шарҳ анга дарди дилими,
Каму дарди дилими ёр билибдур, билирам.

Чашми чароғи кулмазса, Аҳмадий, на ажаб,
Бағрина нур тўлмазса, бахти фоний, ана ажаб,
Ишқ рағбатим балмазса, умри фоний, на ажаб,
Ёр ҳамсуҳбатим ўлмазса, Фузулий, на ажаб,
Ўзина суҳбатимни ор билибдур, билирам.

### ТУТМОҚ КЕРАК

*Бобур ғазалига мухаммас*

Ғам селиким, тошса даф этмоқ керак,
Даф этибон, боғлара кетмоқ керак,
Орзию аъмолни шод кутмоқ керак,
Ўзни кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Хаёли сафойингта гоҳо чу бериб,
Қучсанг дўсту ёрни елдек эврилиб,
Сўнгра юрсанг эркан ғоздай керилиб,
Айшу тараб гулбуниға сув бериб,
Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Даштни қуруқ демаким, нам кўп турур,
Барчани тик демаким, хам кўп турур,
Бахтиёрлар кўп дема, кам кўп турур,
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш ила ўзни овутмоқ керак.

Ўртанурким бошлар хамидин кўнгул,
Ўртанурким соғлар камидин кўнгул,
Ўртанур, ваҳ, беҳамиятдин кўнгул,
Тийрадурур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёритмоқ керак.

Аҳмадий, беиштиёқ — довдир кўнгул,
Жазм этса, ҳар нега қодир кўнгул,
Сабр илан бол еган нодир кўнгул,
Қўйма машаққат аро, Бобур кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

### КЎРСАТ ЖАМОЛИНГ

*Машраб ғазалига мухаммас*

Бошингни урма ғамхоналарга,
Ўхшаб юрмагин ҳайроналарга,
Ишонма, жоним, афсоналарга,
Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқингда куйган парвоналарга.

Кутгай чок дилим сендин табобат,
Кутгай пок дилим сендин ҳарорат,
Тутмоққа қўлинг бергин ижозат,
Мендин дуодир, сендин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларга.

Меҳрингта зорман, фаҳм айламайсан,
Кўнглимни очсам, жазм айламайсан,
Севгим сурурин назм айламайсан,
Эй, кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сен бечораларга.

Қанча ошиқлар ўтди замондин,
Бўлиб жудолар ёри жонондин,
Аҳмадийни ҳам аюрма жондин,
Машраб сени деб кечди жаҳондин,
Бошини қўйиб остоналарга.

### КЎЧАМДАН ЖОНОН ЎТГАНДА

*Ҳабиб Саъдулла ғазалига мухаммас*

Белида сунбули ўйнар кўчамдан жонон ўтганда,
Мени дилхастани қийнар кўчамдан жонон ўтганда,
Шаби шомим этар анвар кўчамдан жонон ўтганда,
Таралгай мушк ила анбар кўчамдан жонон ўтганда,
Изида тупроқ ўлгай зар кўчамдан жонон ўтганда.

Чиқай деб йўлига пешвоз гули райҳон кутар бедор,
Тақай деб сочига сочбоғ нилуфар кўз тутар хуммор,
Ёқай деб бағрига оташ гули бодом тарар ифор,
Бошига соябон бўлмоқ умидида ошиб девор,
Бутоқлар таъзим айларлар кўчамдан жонон ўтганда.

Саболар эсмайин тургай, вале хаёл суриб кетгай,
Ки ул малак кокилларин майин-майин ўриб кетгай,
Бу ҳолни бир кўрган кўнгил бемор эса, туриб кетгай,
Деворга жон ато этгай, вале тошлар эриб кетгай,
Агар бир бор нигоҳ айлар кўчамдан жонон ўтганда.

Кўзига бир боқай десам, вале беэътибор ўлсам,
Сўзига зор этса янам, тамоми "тору мор" ўлсам,
Висоли деб гадою зор, туну кун беқарор ўлсам,
Жамолини тамошо қилғали чиққач, девор ўлсам,
Кулар ҳолимга мажнунлар кўчамдан жонон ўтганда.

Биларман, ошиқи зорга ҳамиша боқмағай дунё,
Дили нодон, тили нолон, ширин хаёллари рўё,
Агарчи менга ҳам севгим рад этса, қўйса муаммо,
Бошимга ёғса ҳам ғавғо, ишим йўл пойламоқ, аммо
Нигоҳ солмай этар баттар, кўчамдан жонон ўтганда.

Ниятинг асло сўндирма, хазондай сарғайиб сўлма,
Юрагинг боғида ўсган муҳаббат гулларинг юлма,
Чин ошиқсан, эй Аҳмадий, муродинг ортидан қолма.
Тикибсан йўлида жонни, Ҳабиб, бас, ноумид бўлма,
Тун ортидан келур кунлар, кўчамдан жонон ўтганда.

*нор — олов
**ком — бахра, лаззат.


Юракларни ром этгай назм ила наво
А.ЖУМАЕВ олган сурат.

# БУЮКЛАР ВАСФИДА ҚАТРАЛАР

***Газетамизнинг фаол ўқувчиларидан бири, халқ таълими фахрийси, асакалик Ўктам Йўлдош ўғли таҳририятимизга "Буюклар васфида қатралар" туркумидан намуналар йўллабдилар. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

### СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

Ҳазрат Самарқандга берган зеб-сайқал,
Авлодлари қурган
"Тож Маҳал" — зарҳал!...
...Фаранг қироллари халоскор билиб,
Унга қўйдирганлар олтиндан ҳайкал...

### МИРЗО УЛУҒБЕК

Буюк мунажжимни бир ёвуз кимса
Гумроҳлар фатвоси билан тиғлаган,
Аза очган унга коинот-борлиқ,
Юлдузлар кўз ёши тўккан, йиғлаган.

### СПИТАМЕН

Қай ерда изларинг, нишонанг-хокинг,
Фотиҳ Искандарга бас келган, эй, мард!
Сени эслаганда жўшиб кетади
Юракда ифтихор ҳисси, чексиз дард...

### ТЎМАРИС

Босқинчи Кирни қонига тўйдирган
Шаддод маликани, айтинг, билмас ким?!
Жудоликка чидаб эркдан кечмаган
Momoмиз муқаддас руҳига таъзим...

### ШИРОҚ

Элатнинг ҳурлиги, юрт шаъни учун
Курашиб Дорони енгган овлоқда.
Ўлаётиб кулган, қаҳ-қаҳ-ҳа отган
Шаклар фидойиси — бизнинг Широқ-да!

### НАЖМИДДИН КУБРО

Учмай Чингизхоннинг "марҳамати"га
Халқин жангга элтган саксон ёшли пир.
Маним, ўша, буюк бобокалоним —
Руҳлари шод бўлсин — устод Кубродир!

### ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

Жасорати ёвни ҳайратга солган,
Сакраб ўтган асов, зўр дарё Синддан!
Шарафлаган уни Нерудек арбоб —
Шаънига олқишлар ёғилар Ҳинддан!

### ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Кечиб ҳинд рожаси олтин-заридан,
Дўстларин қулликдан айлаган озод.
Башоратчи айтсин, яна дунёга
Келарму Паҳлавон Маҳмуддек бир зот?!

### ИЗТИРОБ

Нима бўпти, эсламасангиз,
Нима бўпти, қараб қўймасам?
Дилингизда тошармиди ҳис,
Сиз деб куйсам
ёки куймасам?

Менга лаънат бўлган бу ишқдан
Ёниб кетса ҳаётим беиз,
Бутун умр севиб ўтсам-у,
Бир лаҳза ҳам севолмасангиз...

Нима бўпти, мен сизнинг эмас,
Севгингизнинг бўлсам тутқуни?
Севиб ўтсам,
Севиб-ўпсам маст,
Хаёлимда сақлаб мен уни?

Киприкларим юмсам,
У ҳозир
Ҳузуримда бўлади пайдо:
Мана... титроқ қўлларим сузар
Унинг тошқин сочлари аро!

Мен севган У — жудаям ёруғ!
Мен севган У — мағрур ва ҳалол!
Суянаман елкаларига
Тонгни қучган атиргул мисол!

У менинг мард, тенгсиз Қиролим,
Мен у билан ҳур маликаман.
Бахт яратиб ҳар нафасидан,
Осмонларга юлдуз экаман!

...Юрагимни енгаман деманг,
Юрагимда гарчанд фақат Сиз!
Билсангиз...
Мен жуда бахтлиман!
Нима бўпти... билолмасангиз!

Кўнглингизни бўлаклаб беринг,
Кушчаларга едиринг, майли.
Сиз севгимга қилмангиз шафқат,
Бахтсиз ўтган бахти туфайли!

Қўл силтаманг...
кулманг...
ачинманг...
Ачинаман мен сизга кўпроқ.
Севилган-у буюк ишқ билан,
Севилганин билмаган бироқ!..

Зебо МИРЗО

# КЎКСИМДА ЯНГРАДИ СИЗ БЕРГАН ОВОЗ

### СИЗНИ СЕВАР ЭДИМ...

Сизни севар эдим...
бахтиёр ва пок,
Сизни севар эдим куйгун ва далли.
Гоҳида умидсиз,
гоҳида ғамнок,
Бундай севмагандим ҳеч кимни ҳали...

Умрим боғларидан кетганди кўклам,
Сархуш ҳисларимни елларга ташлаб.
Сиз кириб келдингиз —
бир муқаддас дам —
Руҳимда илоҳий ёнғинлар бошлаб!

Мени чорлар эди олис ва узоқ,
Олис кечаларда исмингиз ёди.
Бағримга соларди сирли бир титроқ
Аччиқ муҳаббатнинг бол каби тоти...

Тоатнинг минг йиллик китоби куйди,
Руҳимда уйғонди қадим эҳтирос.
Мангу таъқиқланган ибодатгоҳдай
Кўксимда янгради сиз берган овоз...

Тилсимланган ҳурдай тирилдим қайта,
Кўчди бахт қулфининг занги-доғлари.
Занг урди исмингиз айта ва айта
Юрагимнинг олтин қўнғироқлари...

Тағин ҳаётимни ғамларга тутдим,
Тағин ошно бўлди шеър, кўз ёш ва май.
Сокин лаҳзаларни яшнатиб ўтдим,
Кўнглимнинг куйини ҳеч кимга бермай!

Гоҳида кўрлик ҳам чин саодатдир,
Севги-ла яшамоқ маҳрум, дарбадар.
Дунёнинг энг бахтли Аёли эдим
Кўнглингиз тубини кўргунга қадар...

...Бундай севмагандим ҳеч кимни ҳали,
Гоҳида умидвор,



гоҳида ғамнок.
Сизни севган эдим куйгун ва далли.
Сизни севган эдим бахтиёр ва пок...

### ИНТИҚЛИК

Туни билан ёққан ёмғир
Ювиб ўтди тонгнинг юзини.
Мен изладим ўзим учун сир
Бўлган бахтнинг ёруғ изини...

Келдими деб сендан хабарлар,
Эшикларни неча бор очдим.
Дайди шамол бебош боладай
Деразамни синдириб қочди.

Туни билан қийналди юрак,
Ета олмай нур йўлларига.
Исминг қўнди капалак каби
Гоҳ тушимга, гоҳ қўлларимга...

Сен келмадинг, бироқ бу гал ҳам...
Мен куннинг қон юзига боқиб,
Ғижимланиб отилган хатдай
Юрагимни юбордим ёқиб!..
...Туни билан ёмғирлар ёғди.

*Жаҳон адабиёти дурдоналари*

ҲИКОЯ

Ги де МОПАССАН

# ХИЗМАТКОР ҚИЗ ҚИСМАТИ

Ташқарида эсаётган бесар кузак шамоли дарахт шохларида қолган сўнгги япроқларни юлқиб, ҳавода чирпирак қилиб ўйнарди.

Овчилар кечки овқатни ейишарди, улар ҳатто этикларни ҳам ечмасдан, қизариб-бўзариб, ҳазил-ҳузул қилиб ўтиришарди. Улар асосан ярим зодагон, ярим деҳқон, бойнинг ҳам, ҳўкизнинг ҳам бўйнини қайиришга қодир кучга эга бўлган кичик норманд помешчиклари эди.

Улар кун бўйи Эпарвил ҳокими Блондилга қарашли ерларда ов қилишган, ҳозир эса унинг уйида, катта стол атрофида тамадди қилишмоқда эди.

Уларнинг гурунги, бақир-чақири, кулгилари эса йиртқичларнинг ўкиришини ёдга соларди, чунки тинимсиз ичишар, оёқларни узатиб, столга тирсакланганча, Исполин печи тафтида исинишар, ов, итлар ҳақида валақлашишар, кўзлари чироқ ёруғида ярқираб турарди.

Ҳаммалари аллақачон сархуш, эс-ҳушини йўқотар даражага етган, уларга овқат ташиб юрган қип-қизил башараси товоқдек келадиган хизматкор қизнинг ортидан мастона сузилиб боқишарди.

Бир пайтлар руҳоний бўлишни орзу қилган, лекин тақдир тақозоси билан ветеринар бўлиб, айни чоқда музофотдаги молларни даволаб юрган узун бўйли Сежур бирдан ҳовлиқа кетди:

— Жин урсин, жаноб Блондил, жориянгиз шунақа сулувки, одамнинг оғзидан сўлаги оқади-я!

Хонада гурр кулги кўтарилди. Шунда гапни қари ароқхўр, эндиликда камбағаллашиб қолган зодагон де Варнетто илиб кетди:

— Менинг ҳаётимда шунақа хизматкор қизча билан боғлиқ бир воқеа содир бўлган. Ўйлайманки, бу сизлар учун қизиқарли бўлади. Ҳар гал у ҳақда ўйлаганимда Марза деган бир қанжиқ итим эсимга тушади. Мен уни граф д'Оссенелга сотгандим, ит эса мендан ажрашни ҳечам истамасди, ҳар куни, ечиб юборишлари билан ёнимга чопиб келарди. Охири аччиғим чиқди ва графга итни занжирда сақлашни айтдим. Биласизларми, кейин нима бўлди. Ит шўрлик боғловда ичикиб ўлди.

Энди менинг хизматкорим воқеасига қайтайлик. Ўшанда йигирма бешда эдим, Вилбндаги қасримда ёлғиз, бўйдоқликда кун кечирардим. Одам ёш бўлса, биласизлар, зерикади, уёқ-буёқни кўргиси, саёқлик қилгиси келади.

Бир куни Ковиледа турадиган Дебултонинг уйида хизмат қиладиган ёшгина бир қизчани кўриб қолдим. У мени ўзига шу қадар мафтун этдики, хўжайини олдига бориб шундай бир таклиф айтдим: у хизматкорини менга беради, мен эса унга зотдор — Дебулто икки йилдан бери менга сот деб ялиниб юрган байталимни бераман. У шартта қўл ташлади: "Келишдик, жаноб де Варнетто". Иш битди ҳисоб. Қиз менинг қасримга келди, мен эса уч юз экю эвазига байтални унинг хўжайинига элтиб бердим.

Бошида ҳаммаси силлиқ кетаётганди. Ҳеч ким ҳеч нимадан гумонсирамасди. Лекин Роза — унинг оти шунақа эди — назаримда мени телбаларча севиб қолди. Қизча бошқалардан нимаси биландир фарқ қиларди. Унинг томирларида асл-зодалар қони оқарди. Афтидан у ўз оқсочига тегиниб қўйган оқсуяк бир одамдан туғилган эди.

Хуллас, у мени еру кўкка ишонмасди. Мен билан кўнгилхушлик қилишдан сираям зерикмас, мени ғалати-ғалати исмлар билан эркалаб чақирар, унинг бу эркаликлари мени ўйга толдирарди.

"Бунга чек қўйиш керак энди, бўлмаса, бошим балога қолиб кетади", дердим ўзимга-ўзим. Аммо мени тузоққа илинтириш унчалик осон эмаслигини билардим. Мен эҳтиросли бўсалар билан дарров алданиб қоладиганлар сирасига кирмасдим. Аммо... кунларнинг бирида ҳомила бўлиб қолганини айтгач, ҳушим бошимдан учди.

Ол-а! Кимдир юрагимни қўшотар милтиқ билан яралагандек бўлди. У эса мени қучоқлар, эркалар, қиқирлаб кулар, эс-ҳушини йўқотганча ялаб-юлқарди. Бу ёғи нима бўлди?

Ўша куни индамадим, лекин кечаси билан ўйлаб чиқдим. Бир чорасини топиш лозим. Алоқани ҳозироқ узмасам, кеч бўлади. Ота-онам Барнвилда яшар, Маркиз д'Испарга теккан опам эса бу ердан икки мил нарида, Роллибекда турарди.

Нима қилсам экан? У меникидан кетадиган бўлса, одамлар шубҳага тушиб, дарров гап-сўз қилишади. Қолаверсин, десам, тез орада ҳамма нарса ошкор бўлади. Ахир, уни бу аҳволда ташлаб кетиш ҳам яхши бўлмасди-да.

Мен ёшлигида бунақа кўргиликларни кўп бор бошидан кечирган амаким барон де Крейтелга маслаҳат солиш учун унинг ёнига бордим. У бамайлихотир шундай деди:

— Уни эрга берворишг керак, болам.

Мен ўрнимдан сапчиб туриб кетдим.

— Эрга бериш керак, дейсизми, амаки? Кимга?

У елка қисди.

— Кимга бериш ёки бермаслик сенинг ишинг, меники эмас.

Мен амакимнинг гапини бир ҳафта ўйлаб юрдим ва, ниҳоят, у ҳақ экан, деган қарорга келдим.

Кейин куёв қидиришга тушдим. Бир маҳал маҳаллий судя мен билан тушлик қилиб ўтириб қизиқ бир гап айтиб қолди.

— Помел холанинг ўғли яна бир безорилikka қўл урибди. Шу бола жуда бежо чиқди-да! Илоннинг боласи илон бўларкан-да?

Помел хола деганлари ёшлигида бинойидек аёл бўлган дейишади. Қартайиб кўзи оч бўлиб қолганди. У бир чақа эвазига бутун борлиғини, ҳатто ўғлини ҳам сотиб юборишга тайёр эди.

Мен унинг уйига бориб, бафуржа ҳамма гапни тушунтириб бердим. Мен ҳали гапимни тугатмай аёл бетоқатлик билан гап қўшди:

— Ҳўш, шу қизча учун қанча тўламоқчисиз?

Кампир пихини ёрган туллак эканини билганим учун ҳаммасига олдиндан тайёргарлик кўриб қўйгандим.

Қарангки, Сасвилнинг шундоқ ёнида менинг учта кичкина томорқам бўлиб, улар менга қарашли фермаларга туташ ерда эди. Фермерлар бу далаларнинг узоқлигидан шикоят қилавергач, улардан олти акр келадиган ана шу ерни қайтариб олдим. Фермерлар яна додлаб жонга тегишди. Шунда мен улар билан тузилган шартномаларнинг паррандачиликка оид қисмини бекор қилишга мажбур бўлдим. Шу тариқа ишларни бир амаллаб йўлга қўйиб олдим. Кейин қўшним д'Омонтедан дарё бўйидаги ерини сотиб олдим-да, ўша ерда кичикроқ бир уйча қуриб олдим. Бунгаям салкам бир ярим минг франк пул кетди. Шу тариқа кичик бир хўжалик пайдо бўлди. Мен ўша ерни қизнинг сепига қўшиб беришга қарор қилдим.

Аввалига кампир бу кам дегандек ҳарxаша бошлади, мен эса барибир рози бўлишини билиб, гапимда туриб олдим. Хуллас, у билан келишдик.

Эртаси куни кутилмаганда унинг ўғли пайдо бўлди. Унинг афтини эслаб қололганим йўқ. Ҳар ҳолда ташқи кўриниши мени қаноатлантирди.

Йигит гапни анча узоқдан бошлади. Гўёки ўзини мол сотиб олиш учун келган киши қилиб кўрсатди. Гап мақсадга кўчгач, у хўжаликни бориб кўрадиган бўлди. Биз далани кечиб ўша томонга кетдик. Бўлажак куёв мени далада роса уч соат ушлаб турди... Ҳали уйчанинг томи қурилмаган эди. Онасининг боласи-да, уйнинг томини қамишдан эмас, шифердан ёпиб берасан, дея шарт қўйди. Кейин сўради:

— Мебел ҳам берасизми?

Мен эътироз билдирдим:

— Сизга битта ферма камлик қиляптими?

У тиржайди:

— О, бўлмасам-чи, битта ферма, бунинг устига азза-базза чақалоқ ҳам.

Мен беихтиёр қизариб кетдим. У эса давом этди:

— Хуллас, гап бундоқ, битта каравот, шкаф, стол, учта стул ва идиш-товоқ. Бўлмаса биз келиша олмаймиз.

Мен рози бўлдим. Биз ортга қайтдик. У ҳали қиз ҳақида бир оғиз ҳам сўрагани йўқ эди. Бирданига айёрона ва тунд қиёфада менга юзланди:

— Борди-ю, у ўлиб қолса, мол-мулк кимга қолади?

— Албатта сизга-да, — дедим мен.

Бу эрталабдан бери у сўраши лозим бўлган асосий гап эди. У шу заҳоти менга мамнун қўл чўзди. Иш осонликча ҳал бўлганди.

Бироқ Розани бунга кўндириш осон кечмади. У менинг оёғимга йиқилиб тавaллолар қилди. "Наҳотки, сиз менга шу нарсани раво кўрдингиз? Сиз! Сиз!" У менинг ҳар қанча ялиниб-ёлворишимга қарамай, бир ҳафтача оёғини бир этикка тиқиб юрди. Аёлнинг ақли қанчалик калта бўлади-я? Уларнинг миясига севги деган нарса ўрнашиб олса борми, тамоман ўзларини йўқотиб қўядилар. Бошқа нарса ҳақида ўйламай қўйишади.

Бора-бора жаҳлим чиқиб, уни уйдан ҳайдаб юбораман, дея қўрқитдим. Шунда у олдимга тез-тез келиб туриши учун ижозат сўраб, рози бўлди.

Мен ўзим уни никоҳ маросимига олиб бордим, тўй харажатларини тўлиқ қопладим. Кейин эса Турендa яшайдиган акамнинг уйига ярим йилга кўчиб кетдим.

Қайтиб келиб билдимки, у ҳар ҳафта менинг қасримдан хабар олиб турган экан. Келганимга бир соат ҳам ўтмай, у қўлида чақалоғини кўтариб келиб қолди. Ишонасизми, бувакни қўлимга олишим билан унга нисбатан ич-ичимда меҳр уйғонганини сездим. Уни қўлимга олиб, ўпдим ҳам.

Онаси эса, ярим йилда озиб, чўпга айланиб қолганди. Жин урсин, дедим ичимда, унга эр ёқмабди.

— Турмушинг яхшими? — сўрадим ундан.

У ўзини тутолмай йиғлаб юборди:

— Сизсиз яшай олмайман. Ўлганим яхши. Яшаёлмайман.

У қиёмат тўполон кўтарди. Мен уни тинчлантириб, ҳовли адоғига қадар кузатиб қўйдим. Тушундимки, эри уни ҳар куни дўппослайди, анави қари бойқуш бўлса заррача кун бермайди.

Бир кун ўтиб яна келди. У полга, оёқларим остига ётиб олди.

— Ўлдиринг мени, ўлдиринг, лекин орқага қайтиб юборманг. Илтимос!!!

Агар Марза гапиришни билганида, менга у ҳам шу гапларни айтган бўлармиди? Хуллас, бу ғалвалар яна жонимга тегди. Яна ярим йилга бу ердан бош олиб кетдим. Қайтиб келганимда эса... Роза мен келишимдан уч ҳафта олдин оламдан ўтган экан. Менинг йўғимда ҳар якшанба қасрга келиб кетаркан, худди Марзага ўхшаб. Орадан бир ҳафта ўтиб, чақалоқ ҳам қазо қипти.

Эри эса... Ҳамма мол-мулк унга мерос бўлиб қолди. Ўша пайтларда у тоққа чиқиб кетган эди. Эшитишимча, ҳозир уни шаҳар маслаҳатчиси этиб тайинлашган эмиш.

Де Варнетте охирида кулги аралаш қўшиб қўйди:

— Нима қилсаям, мен унга каттагина яхшилик қилганман.

Ветеринар врач Сежур қадаҳдаги ароқни оғзига олиб боpаркан, жиддий қиёфада хулоса ясади.

— Ўзи бунақа аёллар билан ўралашмаслик керак-да!

Рустам ЖАББОРОВ таржимаси.



# ҲАВО АЙНИДИ...

Куз. Йиғим-терим пайти. Қуёш чарақлаб турибди. Кўплар қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилгани боис, ишхоналарда одамлар сийраклашиб қолган. Шундай кунларнинг бирида бошлиқ ҳаммани ҳайҳотдай хонасига йиғди. Куз эмасми, ҳаво бирданига ўзгара бошлади.

— Ўртоқлар, бугун сизлар билан бир муҳим масалани ҳал қилиб олишимиз керак. Умуман олганда, ишларимиз ёмон эмас. Режаларни бажариб турибмиз. Сизларни яхши биламан, бизда бекорчи одам йўқ, ҳаммаларингиз ишингизни билиб қиласиз. Хабарингиз бор, иложи борича яхши ишлаганларни рағбатлантириб турибмиз. Аммо, бугун ичимиздан бир кишини ажратишимиз керак. Биламан, бу жуда оғир масала, шундай бўлса-да сизларнинг ёрдамингизга муҳтожман... қани, кимни...

Совуқ шамол турди. Деразанинг очиқ кўзидан хонага баданни жунжиктирувчи шабада кириб келди. Биринчи бўлиб корхонамизнинг "тоғи", яъни фахрий Раис ўрнидан қўзғолмай гап бошлади:

— Ҳаммамизни тўпламай, ўзингиз ҳал қилиб қўя қолмабсиз-да. Сиз бир нима десангиз, ҳеч ким қаршилик қилмайди.

— Тўғри, бошлиғимизнинг гапини ҳеч ким икки қилмайди, — деди "лик-ликхон" лақабли ўрта яшар хоним гугурт қутисидек рўмолчасини сурмали кўзларига яқинлаштирар экан. — Аммо менга раҳмларинг келсин, йўталим бир тутса борми, ўзимни қўярга жой топа олмай қоламан. Иш қолиб кетмасин, деб шу аҳволда бўлса ҳам келиб юрибман. Бирор ёққа кетгудек бўлсам, ҳаммаси қолиб кетади...

— Ҳаммамиз ҳам шу, — дея "лик-ликхон"нинг сўзини бўлди ҳисобчи опа. — Бешта бола билан менга осон дейсизларми? Азбаройи иш деб, югураман-еламан, тиним билмайман. Бунинг устига болалар бири қўйиб иккинчиси ҳали шамоллайди, ҳали иситма қилади. Мана, орамизда қанча ёшлар бор, боришсин, тоза ҳаводан нафас олишсин, соғликларига фойда...

Кадрлар бўлими бошлиғи гапни чўзиб ўтирмади:

— Мен жон-жон деб борардим, аммо аллергиям бор. Бор десаларинг, бораверaман. Ўзларинг ҳал қилинглар.

Бош ҳисобчининг янги ўринбосари — Ҳилола Ҳимматовна норози бир қиёфада шаҳд билан ўрнидан турди:

— Раҳматли дадажоним шу корхонада ўттиз йил раҳбар бўлганлар. Ҳеч бўлмаса шу кишининг ҳурматини қилинглар...

Ҳавонинг авзойи жиддий бузилди. Ташқарида шаррос қуяётган ёмғир овози хонада баралла эшитила бошлади. Бошлиқ нима дейишини билмай, дераза ёнига келиб, ходимларга бирма бир тикилиб чиқди. Бир пайт бундан атиги бир ҳафта олдин ишга келган мулойимгина янги котиба — Гуленка сакраб ўрнидан турдию ҳаммани лол қолдирди.

— Акажонлар, опажонлар, бекорга тортишиб ўтирибсизлар-а. Мана мен, ёшман, уйимда бир этак болам, қаерда эдинг, ким билан эдинг, деб сўрайдиган эрим ҳам йўқ. Соғлиғим яхши, йўтал нима, аллергия нима — умримда билмаганман. Так что, қаерга бор десаларинг, бораверaман...

Булутларнинг чоки сўкилдию қуёш чарақлаб кетди. Деразадан кираётган нур бошлиқ юзини янада кўримли қилиб юборди. У вазмин қадамлар билан бориб жойига ўтирди ва шошилмай гап бошлади:

— Ўртоқлар, ҳаммангиз очиқ-ойдин гапирганингиз учун раҳмат. Эшитган бўлсангиз керак, икки кундан кейин дам олишга кетаман. Соғлиқни тикламасам бўлмайди, врачлар қўйишмаяпти. Мен юқори ташкилотимиздан битта йўлланма сўраган эдим, қарангки, иккита ажратишибди. Биттаси бекорга куйиб кетиши мумкин. Шу иккинчи йўлланмани кимга берсак экан, деб роса бошим қотган эди, мана, маслаҳат билан адолатли ҳал қилиб олдик. Раҳмат сизларга, йиғилиш тамом...

Ташқарида бир нима гумбурлагандай бўлди. Чақмоқ чақдими-ей. Куз ҳавоси шунақа ўзгарувчан-да. Нима ҳам дердик...

**Муҳаммад СОДИҚ**

*Ҳажвия*

# ЖАРИМА

Корхонамизда чекишга қарши кураш бошланди. Аввалига ҳар жой-ҳар жойга чекиш таъқиқланганлиги ҳақида эълон ёпиштирдик. Орадан бир мунча вақт ўтгач, бадиий академиядан рассом ёллаб, сигарета қутисидаги "Соғликни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш ҳаёт учун хавфлидир" деган ёзувни корхонамиз пештоқига йирик-йирик ҳарфлар билан ёздирдик. Корхонамиз хиёбонида эса одамнинг ўпкасини тешиб ўтаётган ёниб турган сигарета тасвири туширилган каттакон рангли панно пайдо бўлди.

Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарасини кўрсатди. Оқшомда хоналарни йиғиштиргани келган фаррош опа сигаретанинг тутуни ва ҳидига чидаёлмай, хоналарнинг эшик-деразаларини очиб, кейин тозалайдиган бўлди. Кулдонлар столнинг устидан тортманинг ичига тушди. Қоровул чолнинг катта дарвозадан сал четроққа боғланган ити чекаётган кимсани кўрса увиллайдиган одат чиқарди.

Сигарета дудидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб тиржайиб тураверадиган кашандаларга гап таъсир қилмаётганидан хуноби ошган бошлиқ ўринбосари корхона ҳудудида чекканларга жарима солишни таклиф қилди.

— Қанча миқдорда? — савол бериб қолди биттаси ҳайрон бўлиб.

Ҳамма бошини қашлади.

— Жаримани катта қўйиб бўлмайди, — деди касаба қўмитаси раиси. — Оғирлик қилса, одамлар ишдан кетиб қолишлари мумкин. Баҳоли қудрат тўлаб юргудай қилиб белгилайлик-да.

Кўпчиликка маъқул бўладиган меъёрни белгиладик. Арзимаган нарса. Лекин, томa-тома кўп бўлур деганларича бор экан. Тобора ортиб бораётган жамғармани сарфлаш бўйича тортишувлар ҳам бўлиб турибди. Баъзи ходимлар табиат қўйнига чиқиб яйраб чекишиб келайлик деса, айримлари "ўз маблағимиз-ку, ишхонамиз ҳудудида кашандалар хиёбони барпо этиб, кичикроқ бўлса ҳам бирорта "содиқ чекувчига" ёдгорлик ўрнатайлик, дейди. Чекишни ташлаганларга мукофот қилиб берайлик деяётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин булар ҳозирча олди-қочди гаплар.

Яқинда мени бир танишим йўқлаб келибди. Хонамдан чиқиб дарвозанинг ёнига яқинлашдим. Қоровул дарвозани очиши билан меҳмон ичкари кирди ва қучоқлашиб кўришди. Қоровулнинг ити кутилмаганда увиллаб қолди.

— Ие, чекаётувдингми?

— Нима қилди? — танишим ҳайрон бўлиб енгидан қўлини чиқарди ва ёниб турган сигаретига қаради.

Шу заҳоти қоровул гултувак ўрнатиладиган тагликка қўйилган чиройли кулдонни ёнимизга олиб келиб қўйди. Дўстим сигаретани кулдонга ташлади. Унинг бу иши кўзимга бирам хунук кўриниб кетди-ей. Қулоғига шивирлаб "ички тартиб қоидаларимиз"ни тушунтирдим. У жилмайиб чўнтагидан беш юзталик чиқарди ва кулдондаги сигарет қолдиғининг устига ёпди. Негадир хаёл олиб қочиб, кўз олдимга телеэкрандаги рекламада учиб юрган пуллар кулдонга келиб ёпирилган ҳолат келди.

Шунақа гаплар. Айримлар жаримани режалаштиришни назорат қилиш таклифини олға суришмоқда. Кимлардир жарима йиғиш режасини бажармаганларга жарима солиш ҳақида ҳам бош қотираётган эмиш. Бундан чиқди, кўзга хунук кўриниб турган иллатнинг усти жарима билан ёпиб қўйилса олам гулистон экан-да?

**Ҳабиб СИДДИҚ**




## Дунё—кенг...



## «ҚОРА ТУЙНУКЛАР» ЖУМБОҒИ

**Бир юз эллик киши лаҳзада кўздан ғойиб бўлишини тасаввур эта оласизми? Ана шундай ҳодисаларга кўпчилик гувоҳ ҳам бўлишган. Гувоҳлар қалин булут шаклидаги ёруғ туман одамлар тўдасини қоплаб олганини аниқ кўришган. Бир зумда ўзидан нур таратган қуюқ масса тепага кўтарилиб, кўздан йўқолган. Туман билан бирга британ армиясига қарашли баталон аскарлари ҳам гумдон бўлишган.**

1915 йил 21 августда кундуз куни ўнлаб одамларнинг кўз ўнгида содир бўлган бу ҳодиса эллик йил мобайнида сир сақланган. Фақат 1967 йилга келиб Европа жанубидаги Дарданелл атрофида рўй берган ўша воқеа гувоҳларининг кўрсатмалари эълон қилинди.

Одамларнинг оммавий тарзда йўқолиб қолиши сабаблари ҳозиргача аён бўлгани йўқ. Масалан, 1950 йили Америкадаги Руаннук қишлоғига кирган аскарлар уйларда шамлар ёниб турганини, дастурхонлардаги таомлар совумаганини кўришган... бироқ бутун бир қишлоқда бирорта одамни учратишмаган! Дастлаб, улар қишлоқ аҳлини ҳиндулар қириб кетган, деб ўйлашган, лекин на бир томчи қон ва на бирорта майитни топишган. Фақат руҳонийнинг уйи ёнидаги дарахтга қинғир-қийшиқ ҳарфларда ўйиб ёзилган: "У бундай кўринишда эмас, кўриниши..." деган ёзув қолдирилган. 1923 йил 5 февралда Бразилиядаги Хоер-Верде қишлоғининг олти юз нафар йўқолган аҳолисини қидириш ҳеч қандай натижа бермагач, тўхтатилган эди. Қишлоқдаги мактаб доскасида эса: "Нажот йўқ", деган ёзув қолган, холос.

— Бу воқеалар борасида биз фақат фаразларимизни айтишимиз мумкин, уларни илмий жиҳатдан тушунтиришга ҳали ожизмиз, — дейди Хитойда одамларнинг оммавий тарзда йўқолиб қолиши ҳодисасини кўп йиллардан бери тадқиқ қилиб келаётган харбинлик тарих фанлари доктори Цзун Ли. — Масалан, 1937 йили Нанкин яқинида уч минг хитой аскарининг йўқолиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Яқинда мен 1945 йил ноябрда собиқ СССР НКВДсининг юз кишидан иборат 12-ротаси йўқолгани ҳақида шаҳар архивидан гувоҳнома топдим. Улар шаҳардан темирйўл бекатига йўл олишган ва қайтиб келишмаган. Ўша йили Гуандадан юзлаб йўловчилар билан Шанхайга йўл олган поезд бусбутун гумдон бўлган. Ундан нафақат бирорта одам, ҳатто бир парча темир ҳам топилмаган.

Тадқиқотчи Ричард Лазарус бу ҳодисаларга доир ўзининг шундай тахминини айтади. Метеоритлар (самовий жисмлар) Ерга келиб тушиши жараёнида беҳад катта қувватга эга бўлади. Уларнинг қуввати ҳатто миллиард волтга ҳам етиши мумкин. Айрим метеоритлар Ерга тушганча парчаланиб кетади ва оқибатда Ерга жуда катта кучланишдаги энергия урилади; бунинг натижасида электростатистик левитация пайдо бўлади — одамлар тўдаси, шунингдек, кемалар ва ҳатто поездлар ҳавога учиб кетади.

— Бу борада менинг фикрим бошқачароқ: одамларнинг йўқолишига "қора туйнуклар" сабабчи, — дейди Калифорния университети профессори Жейн Линдсетт, — Ерда гоҳида вақт ва маконнинг ўзгариши рўй бериб турадики, оқибатда бутун бир шаҳар бошқа ўлчамга ўтиб қолади. Ер юзида ўнлаб бундай "қора туйнуклар" бор. Уларга гоҳида алоҳида одамлар ҳам тушиб кетади. Ўн йил олдин Андроверда (Техас штати) Лидия Кимфелд деган ўттиз олти ёшли аёл йўқолиб қолди. Бир соатдан кейин унинг мурдаси шаҳардан минг километрча йироқда топилди... ёриб кўрилганда бу аёл икки ой олдин вафот этгани аниқланди!

Бундай ғаройиб ҳодисаларнинг навбатдагиси 2001 йил Конгодаги Стому қишлоғида рўй берди. БМТ ходимлари инсонпарварлик ёрдами олиб келишганда қишлоқда бирорта одамни топишолмаган. Ҳатто уй ҳайвонлари ҳам кўринмаган. Фақат қабила бошлиғининг кулбасида кўмир билан шошилинч ёзилган "Қочинглар! Бу..." деган ёзувни ўқишган. "Бу..." нималигини ёзишга қабила бошлиғи улгурмаган, шекилли.

# ОШҚОЗОННИ ЧАЛҒИТИБ ТУРАЙЛИК...

### Эркин СИДДИҚ ҳангомалари туркумидан

Саксонинчи йиллари кузда ҳамма пахта теримига жалб этиларди, жумладан ноширлар ҳам. Бўка ёки Пскентдаги хўжаликларга бориб, пахта теришнинг ҳам ўзига яраша завқи бор эди. Пахта даласига етиб борилгач, бир-икки соат ишлаб-ишламай, дастурхон ёзилиб, ҳамма уйидан олиб келган сомса, ош, норин, қовурдоқ, бошқа егулик-ичкиликларини ўртага қўяр, ажойиб зиёфат бўларди. Эркин аканинг "ҳой бирoдарлар, шошилманглар, бу таомлар духтурдан ўтганми-ўтмаганми, истеъмол қилса бўладими-бўлмайдими, аввал аниқлаш керак, кейин бемалол еяверасизлар", дейдиган одати бор эди. Шунга кўра, ҳаммасидан оз-оздан еб кўриб, кейин бизларга рухсат берарди.

Бир гал ҳисоб-китоб бўлимида ишлайдиган ўрис ва бошқазабон аёллар дудланган чўчқа гўшти олиб келишган экан, Эркин акани мот қилмоқчи бўлиб:

— Қани, буни бир текшириб кўринг-чи, истеъмолга яроқлими-йўқми, — деб сўраб қолишди. Бу гапни эшитиб, ҳамма чувиллай кетди:

— Аввал Эркин Сиддиқов еб кўрсин, мазаси яхши, айнимаган бўлса, биз ҳам еймиз...

Эркин ака ёғни қўлига олди, ости-устига синчиклаб қаради, ҳидлади ва хурсанд бўлиб деди:

— Мана буни ёғ деса бўлади. Зотдор ота чўчқанинг ёғи. Минг дардга даво. Бир тўйиб еган одам чиллада ҳам бемалол кўйнакчан юраверади. Менингча, буни емай турганимиз маъқул. Ҳали замон, раҳбарлар келиб, "ҳормангла-ар!", дейиши, табелчидан ким қанча терганини суриштириши аниқ. Ана ўшанда "Бор бўлинглар, келинглар, дастурхонга марҳамат", деймиз-да, олдиларига қўямиз. "Очопатлар, олиб келган таомларини битта қўймай еб тугатишибди", дейишмасин тағин. Қарабсизки, олам гулистон. Ҳозирча мана бу сомса-помса, қовурдоқ-совурдоқ, норин-поринларни еб, ошқозонни чалғитиб турайлик. Қани, олдик...

# БАЛИҚЧИ ЧОЛ ЭСИНГДАМИ?

* * *

Маймун қўшни маймун билан уришиб қолди:

— Ҳе, одам бўлмай ўл.

* * *

**Қайнона келинига насиҳат қиляпти:**

**— Жанжал эр-хотиннинг умрига эгов. Ўзаро меҳрибон бўлсаларинг, мен каби узоқ умр кўрасизлар.**

**Келин сўради:**

**— Раҳматли қайнотам қандай одам эдилар, ойи?**

* * *

Ит ёнида турган мушукка деди:

— Одам келаяпти, тез қоч, мен сени қуваман.

— Нега?

— Бизни тил топишиб олишибди, деб ўйламасин, яна.

* * *

**Журналист футбол жамоаси мураббийидан сўради:**

**— Ўйин тақдири ҳакамга ҳам боғлиқ бўладими?**

**— Гоҳида ўйинчиларга ҳам боғлиқ бўлади.**

* * *

Қўшиқчидан сўрашди:

— Қисқа фурсатда машҳур бўлишингизга нима ёрдам берди?

— Ҳомийлар.

* * *

**Икки хомхаёл суҳбатлашмоқда:**

**— Инсоннинг боши иккита бўлса қандай яшарди?**

**— Қўйсанг-чи, биттасига шунча ғалва-ю...**

* * *

Эркаклар даврасидаги гурунг:

— Баъзи давлатларда хотинининг чиройли дейишса, эри хурсанд бўларкан.

— Уларда маданият кучли. Бизда мақтов билан чекланишмайди.

* * *

**Базмда ўтирган ширакайф йигит ёнидаги шеригига деди:**

**— Қўшиқчига пул қистирмаймизми?**

**— Тўй эгаси меҳмонларни кузатгани чиқди, даврага қайтишини кутайлик.**

* * *

Хотин эрини сўроққа тутди:

— Кеча ишдан кеч келдингиз...

— Бошлиқ йиғилиш ўтказди, — деди эр бамайлихотир.

— Бошлиғингизга қўнғироқ қилдим, у сизни ишда йўқ деди.

*Хандалар*

— Хафа бўлма, ҳар замонда ёлғон гапирадиган одати бор.

* * *

**Сувга қармоқ ташлаб ўтирган балиқчилар суҳбати:**

**— Қармоққа бирданига олтин балиқ илинса нима қиласан?**

**— Сувга ташлаб юбораман.**

**— Нега?**

**— Балиқчи чол эсингдами?**

* * *

Кўчада учрашиб қолган икки дўстнинг суҳбати:

— Пулинг борми?

— Бор.

— Қарз бериб тур.

— Йўқ.

— Нега?

— Илтимос, дўст бўлиб қолайлик.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**



**Қалай бўларкан?..**

**Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ**

## *Доимий ҳамроҳ*




Муҳиддин Дарвешовнинг номи кулги ишқибозларига яхши таниш. Марҳум санъаткор бутун умрини одамларга завқ-шавқ бағишлашга, ҳаётимизда учраб турадиган турли иллатларни аёвсиз ҳажв тиғига олишга бағишлади. Муҳиддин ака бошқа "қизиқчи"ларга ўхшаб, қизиқчилик санъатининг ҳаё пардасини очиб ташламади, бачканаликка берилмади. Аксинча, устозлари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Теша қизиқ Комиловларнинг анъаналарини давом эттириб, ўзига хос мактаб яратди.

Ичакчўзди ҳажвиялар ёзиб, мухлислар эътиборини қозониб улгурган ёш ҳажвчи Саид Анварнинг "Шарқ" НМАК Бош таҳририятида чоп этилган янги тўпламини ўқисангиз, Муҳиддин қизиқнинг ҳаёти ва ижодидан тўла бохабар бўласиз. Тўпламга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг эътирофича, бу китобнинг яратилишини машҳур қизиқчининг қайта дунёга келгани дейиш ҳам мумкин.

• Муҳаррирлар Рустам Бойтўра, Носиржон Тошматов, рассом Шавкат Музаффар, адади 5000 нусха.

*Туҳфа олам*

## ЭГАСИНИ ТОПАЁТГАН АСАРЛАР



Яҳудийлар тарихи давлат музейи Амстердамда янги кўргазма ташкил қилди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида фашистлар томонидан ҳўрланган ва зулм кўрган яҳудийларнинг тасвири туширилган, уруш манзаралари ҳаққоний акс эттирилган талайгина суратлар 1945 йилдан то шу кунгача Нидерландия давлат архивида сақланиб келган.

Бундай кўргазма илк бор 1998 йил ташкил қилинган эди. Саккиз йил мобайнида беш юзга яқин ижодий ишлар ўз эгаларини топди ёки уларнинг меросхўрларига қайтарилди. Яҳудийлар тарихи давлат музейи ходимлари фикрига кўра, ҳали яна минглаб полотнолар, портретлар, натюрморт ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари ўз эгасини кутмоқда.

"Ўғирланган, лекин ким томонидан?" номли мазкур янги кўргазмада элликка яқин экспонат жой олган. Аксарият ёдгорликларнинг эгалари уруш пайтида ҳалок бўлган ёки изсиз йўқолган. Шунинг учун ҳам ижодий ишларни ҳалок бўлганларнинг қариндоши ёки меросхўрига топшириш мақсадга мувофиқдир. Галдаги вазифа нафақат Нидерландия, балки дунёнинг бошқа давлатларида ҳам шундай кўргазмаларни ташкил этишдан иборат", дея эътироф этмоқда музей ходимлари.

## ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СОТИЛГАН СУРАТ

Голландиялик машҳур рассом Рембрандтнинг "Авлиё Иаков" номли сурати Нью-Йоркнинг Sotheby's аукционида кимошди савдосига қўйилди ва 25,8 миллион долларга сотилди. 1661 йилда чизилган ушбу расмнинг янги эгаси аукционда телефон орқали қатнашди ва ҳозирча у исмини сир тутмоқда, дея хабар беради РИА Новости ахборот агентлиги.

Sotheby's директори Жорж Уэктернинг сўзларига кўра, кимошди савдосида суратларнинг бундай юқори баҳоланиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Таникли рассом ҳаётининг сўнгги ўн йиллигида яратилган мазкур асар узоқ йиллар давомида "Зингер" компанияси асосчиси Кларкнинг набираси Стивен Карлтоннинг шахсий коллекциясида сақланиб келаётган эди.



2000 йили 28,7 миллион долларга сотилган "62 ёшли аёл портрети" номли асар Рембрандт ижодининг энг юқори баҳоланган сурати сифатида қайд этилган.

## ҚИРОЛ БУЮМЛАРИ СОТУВДА



Лондоннинг Christie's аукцион уйи 1863 — 1913 йилларда Грецияда ҳукмронлик қилган қирол Георг I ва унинг оиласига тегишли буюмларни сотувга қўйди.

BBC тарқатган маълумотларга кўра, Греция ҳукумати узоқ йиллар олдин талон-тарож қилинган қирол оиласидан қолган ёдгорликларни кимошди савдосига қўйилишига қарши чиқиб, буюмларни ўз ватанига қайтаришни сўраган.

"Бу — ноўрин талаб. Аукционга қўйилган экспонатлар ҳеч қачон қирол Георг Iга тегишли бўлмаган", дея эътироф этмоқда Christie's савдо уйи. 850 та буюмдан иборат ушбу кўргазмада суратлар, хитой нефрити, соф кумушдан ишланган нодир жиҳозлар билан бирга машҳур заргар Карл Фабержнинг антиқа маҳсулотлари ҳам ўрин олган.

**Интернет хабарлари асосида ЖАМШИД тайёрлади.**



# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Репертуар-таҳририят Ҳайъати**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адибнинг ҳикоялари асосида ёзилган ва ҳаваскор театрларда саҳналаштиришга мўлжалланган 1 ва 2 пардали саҳна асарларига

**танлов эълон қилади**

Энг яхши саҳна асарларининг 3 таси сотиб олинади ва республика халқ театрларида саҳналаштиришга тавсия этилади.

*Биринчи ўринни эгаллаган асар учун — 200 000 сўм,*
*Иккин ўрин учун — 175 000 сўм,*
*Учинчи ўрин учун — 150 000 сўм миқдорида қалам ҳақи тўланади.*

**Танлов муддати 2007 йил 1 июнгача.**

Танловга тақдим этиладиган асарлар матни компютерда ўзбекча шрифтда терилган бўлиши лозим. 2 нусха қоғоз матни ва электрон шакли тақдим этилиши шарт. Топширилган нусхалар қайтариб берилмайди.

**Мурожаат учун манзил:**

**Тошкент 100017, Мустақиллик майдони, 5.**
**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**
**Репертуар-таҳририят бўлими.**
**Телефонлар: 139-43-62, 139-43-50.**



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.30.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4589. Буюртма Г — 145. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН